

Юлдашев Р. - ЎзР Банк-молия  
академияси, ўқитувчи

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА - ЯНГИ ДАВР

Мақолада миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давр талабига мос равишда ривожланишига хизмат қиладиган меъёрий ҳужжатлар ўрганилган ва таҳлил этилган. Истиқболда ушбу соҳани самарали ташкил этиш юзасидан илмий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусий мулк, тадбиркорлик фаолияти, иқтисодий ислоҳот.

В статье рассматриваются вопросы малых и частных предпринимательство которые служат фундаментом национальной экономики, а также изучены нормативно-правовые акты. Разработанные научные предложения могут быть использованы в перспективе.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частная предпринимательства, частный собственность, предпринимательская деятельность, экономическая реформа.

This article examines questions of small and private entrepreneurship which are the foundation of the national economy, and also studies regulations in this sphere. The developed research proposals can be successfully used in the future.

**Keywords:** Small business and private enterprise, private property, entrepreneurial activities, economic reform

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилайти.

Шуларни эътиборга олиб 2016 йил 5 октябрда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Республикада мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этишга оид чора-тадбирларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётгани аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш

суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Айни чоғда иқтисодиётнинг самарали механизмига асос солиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари яратилгани мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал тараққий эттириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда катта ўрин тутмоқда.

Ушбу Фармон мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, соҳадаги тизимли ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Унда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назоратини янада кучайтириш, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини қўллаб-қувватлашга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш каби вазифалар белгилаб қўйилгани эътиборга молик жиҳатлардан ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгилаб қўйилди. Чунки ушбу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, унинг ваколатларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текшириляётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқариляётганлигини ўрганиш каби қатор ўта муҳим масалалар киритилган бўлиб, бу, аввало, хусусий сектор вакиллари манфаатларини ифодалашда, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш кафолатларини мустаҳкамлашда парламентнинг роли, аҳамияти ва масъулиятини ҳам юксалтиради. Қолаверса, бу институт парламент назоратини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, олий қонунчилик органининг вазифалари кўламини кенгайтиради.

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон атиги чорак асрда қолоқ аграр республикадан иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатга айланганини эътироф этмоқда. Бу, албатта, ҳар томонлама чуқур ўйланган иқтисодий ислохотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни раванқ

топтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бераётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда хусусий сектор ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга салмоқли улуш қўшаётганини қайд этиш жоиз. Собиқ тузум даврида ўзи тиккан кийим-кечаги ёки пойабзалини савдога чиқаришга ҳадиксираган ҳунармандлар айна пайтда тайёрлаётган маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам сотяпти. Яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жабҳаларида нодавлат субъектларнинг салмоғи кескин ортиб борапти.

Фармон, таъбир жоиз бўлса, яна бир тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Хусусий тадбиркорлик эркин фаолиятга асослансагина тараққий этади. Шу маънода, Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида белгилангани диққатга сазовор. Бошқача айтганда, эзгу мақсадларни кўзлаган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш йўлида “текшир-текшир”ларга чек қўйилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишнинг барча турлари бекор қилиниши хусусий мулкдорларда ўз бизнесининг истиқболига ишончини юксалтирди.

Тадбиркорлик субъектларига берилаётган беқиёс имконият ҳамда имтиёзлар, ўз навбатида, тегишли норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу каби устувор вазифаларни амалга ошириш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Республиканинг барқарор иқтисодий ўсиши, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, истеъмол бозорида соғлом рақобат муҳитини таъминлашга қаратилган қатор ҳужжатлар амалга оширилмоқда. Яратилган қулай шарт-шароитлар хорижлик ишбилармонларда ҳам инвестиция киритиб, республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга рағбат уйғотмоқда.

Республикада хусусий секторни раванқ топтириш мақсадида берилаётган улкан имкониятлар туфайли, иқтисодий барқарор ишлаб

чиқариш қувватлари кўпаймоқда. Натижада юзлаб иш ўринлари очилляпти, ички ва ташқи бозорга рақобатдош маҳсулотлар чиқариш ҳажми ортыяпти.

Замонавий инфратузилма, логистика ва транспорт тармоқларини ривожланиши, солиқ юкидан озод қилинганлиги ҳамда бошқа қатор имтиёзлар берилгани тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фармон асосида олиб бориладиган ишлар, албатта тадбиркорлик ривожида янги даврни бошлаб, хорижлик инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиёти жозибаторлигини янада оширишга хизмат қилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони 2016 йил 5 октябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Халқ сўзи, 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда

5. Каримов И. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Тошкент.: Ўзбекистон. НМИУ. 2015.

6. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \ Халқ сўзи. 2016 йил. 8 декабрь.

7. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши

керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2016 йил. 14 январь.